O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2008 йил 7 май ЧОРШАНБА

№ 35 (12.046)

1928 йил 11 декабрда асос солинган • Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси • Эркин нархда сотилади

www.th.uz

Инфратузилма

БИОУСУЛ ҚУЛАЙ ВА ИШОНЧЛИ

ҚИШЛОҚ хўжалигида кўзланган самарадорликка эришиш, экинларни турли зараркунандалардан ҳимоя қилишда жойларда фаолият юритаётган биолабораторияларнинг аҳамияти катта. Кейинги пайтда бундай тузилмалардан нафақат мавсумий экинлар, балки боғдорчиликда ҳам кенг фойдаланилаяпти.

Янгийўл, Паркент, Қибрай, Тошкент каби бир қатор туманларда боғдорчилик йўналишидаги кўплаб фермер хўжаликлари боғ ва узумзорларга қирон келтирадиган зараркунандаларга қарши курашишда кўпроқ биологик усулдан фойдаланиб, яхши натижаларга эришилаётир. Бунда биолабораториялар билан қилинаётган ҳамкорлик қўл келаяпти.

Яқинда Паркент туманидаги «Меҳнат» агрофирмаси қошида янги биолаборатория иш бошлади. У ҳудуддаги учта агрофирма ҳамда 350 дан зиёд фермер хўжаликларига хизмат кўрсатади. Ҳозирданоқ уларнинг бир гуруҳи билан 4 миллион сўмликдан ортиқ шартнома тузилди. Ҳамкорлик юзасидан талаб ва мурожаатлар кундан-кун ортаяпти. Негаки, биохизмат кимёвий воситалардан анча арзон, ҳам самарали эканлигини заминдорлар кўп бора синаб кўришган.

Яна бир эътиборга молик жиҳат, биолабораторияда 7 нафар маҳаллий мутахассислар иш билан таъминланди.

СУРАТДА: лаборант Нилуфар Эштоева «Олтинкуз» кўпайтириладиган бўлинмада.

Даврон АҲМАД олган сурат.

ОЗОД ЮРТНИНГ БИЛИМЛИ ФАРЗАНДЛАРИ

Мактаб ўқувчилари ўртасида кимё фанидан 42-халқаро Менделеев олимпиадаси якунланди. Мамлакатимиз вакиллари бир олтин, бир кумуш, 8 бронза медалини қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади

М. Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг Тошкент филиалида 4 май куни Олимпиаданинг тантанали ёпилиш маросими бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон, Россия, Украина, Белорусь, Қозоғистон, Туркманистон, Қирғизистон, Тожикистон, Озарбойжон, Арманистон, Латвия, Эстония, Молдова, Руминия, Болгария жамоалари, Олимпиада ташкилий қўмитаси, Халқаро ҳакамлар ҳайъати, экспертлар, дипломатик корпус вакиллари иштирок этди.

Тадбирда Ўзбекистонда ҳар жиҳатдан баркамол авлодни, пухта билим ва етук малакага, ўз мустақил фикрига эга кадрларни тайёрлаш ишига давлат сиёсатининг устувор вазифаси сифатида қаралаётгани алоҳида таъкидланди. Президент Ислом Каримов ташаббуси билан қабул қилинган "Таълим тўғрисида"ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурининг ҳаётга изчил татбиқ этилиши туфайли узлуксиз таълим тизими мунтазам янгиланмоқда ва такомиллашмоқда, таълим муассасаларининг замонавий моддий-техник ва ўқув базасини мустаҳкамлаш, таълим-тарбия жараёнига янги стандартлар, илғор педагогик ва ахборот технологияларини жорий этиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Маросимда Олимпиада ташкилий қўмитаси ҳамраиси, Москва давлат университети кимё факультети декани, академик В. Лунин Ўзбекистонда таълим соҳасига берилаётган улкан эътибор, ёш авлодга кўрсатилаётган ғамхўрлик юксак эътироф ва ибратга сазовор эканлигини таъкидлади. Мамлакатнинг барча ҳудудларида барпо этилган замонавий мактаб, академик лицей, касб-ҳунар коллежлари, уларнинг замонавий жиҳозлар, ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари ва спорт анжомлари билан таъминлангани натижасида шаҳар ва қишлоқ мактаблари ўртасидаги тафовут барҳам топаётганини қайд этди.

– Беллашувда Ўзбекистон жамоасининг биринчи ўринни эгаллаши тасодиф эмас, – деди В. Лунин. –



Бу мамлакатда таълим соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли ва изчил ислоҳотларнинг самарасидир.

Россиялик олим Олимпиада юксак савияда ташкил этилгани учун Олимпиада ташкилий қўмитаси ва барча иштирокчилар номидан Президентимиз Ислом Каримовга самимий миннатдорлик изҳор этди.

Дарҳақиқат, юртимизда мазкур халқаро мусобақани юқори даражада ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 31 январда қабул қилинган кимё фанидан мактаб ўқувчиларининг 42-халқаро Менделеев олимпиадасини Тошкент шаҳрида ўтказишга оид қарорига биноан зарур чоралар кўрилди. Иштирокчиларнинг назарий ҳамда экспериментал масала ва топшириқларни бажаришлари учун барча шарт-шароитлар яратилди. Ташкил этилган кўплаб маданий-маърифий тадбирлар, Тошкент ва Самарқанд шаҳрининг диққатга сазовор жойларига уюштирилган саёҳатлар барчада унутилмас таассуротлар қолдирди.

Олимпиадада мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қилган жамоа юртимиз умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ўртасида туман, шаҳар, вилоят ҳамда мамлакат миқёсида ўтказилган саралаш мусобақалари натижаларига кўра шакллантирилди. Уларнинг 10 нафари Олимпиадада асосий жамоа таркибида иштирок этган бўлса, 5 нафари захира жамоада ўз иқтидорини синовдан ўтказди. Тошкент педиатрия тиббиёт институти қошидаги академик лицей ўқувчилари Анвархўжа Мақсудхўжаев Олимпиаданинг олтин, Равшан Мирзаев кумуш медалига сазовор бўлди.

– Халқаро миқёсда катта нуфузга эга Менделеев олимпиадасида юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қила олганимдан беҳад хурсандман, – дейди А. Мақсудхўжаев. – Эришган ютуқларимиз замирида Президентимиз Ислом Каримовнинг биз, ёшларнинг ҳар жиҳатдан баркамол бўлиб вояга етишимиз йўлида кўрсатаётган доимий ғамхўрликлари, билдирган юксак ишончлари мужассам.

Мамлакатимизнинг захира жамоаси аъзолари ҳам мусобақанинг 3 бронза медали ва 2 дипломига эга бўлди. Шундай қилиб, вакилларимиз жамоалар орасида энг кўп – 13 медални қўлга киритди. Умумжамоа ҳисобида украиналик ўқувчилар иккинчи, Россия вакиллари учинчи ўринни эгаллади.

42-халқаро Менделеев олимпиадасида 9 ёш кимёгар – олтин, 15 иштирокчи – кумуш ва 28 нафар қатнашчи – бронза медалга сазовор бўлди. 29 ўқувчи эса махсус диплом билан тақдирланди.

Мусобақа низомига кўра Олимпиада медалларини қўлга киритган ўқувчилар Москва давлат университети ҳамда иштирокчи мамлакатлардаги олий таълим даргоҳларига имтиҳонсиз ўқишга кириш имконига эга бўлди.

Олимпиада нафақат ақлидрок ва тафаккур баҳси, балки ёшлик, дўстлик байрами сифатида ҳам барча иштирокчилар қалбидан чуқур жой олди.

Олим ТЎРАҚУЛОВ, ЎзА мухбири.

9 май – Хотира ва қадрлаш куни

ЭЗГУЛИКДАН ЯЙРАГАН ДИЛЛАР

ҚИШЛОҚ аёлларини қўллаб-қувватлаш маркази бугун ҳар кунгидан гавжум. Вилоятимизнинг мўътабар онахонлари, қиз-келинчакларнинг чеҳрасидаги мамнунлик ифодаларидан дилингиз ёришади. Уларнинг бугунги сафари она-юртимизнинг муқаддас зиёратгоҳларидан бири – Зангиота қадамжосига белгиланган. Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан уюштирилган тадбир қишлоқ аёлларида катта таассурот қолдирди.

– Илгарилари бундай имкониятлар қайда эди, – дейди қибрайлик онахон Олия Гареева. – Зиёратга бориш у ёқда турсин, азиз авлиёлар номини тилга олиш ҳам тақиқланган эди.

– Нимасини айтасиз, – дейди Тошкент туманилик Холисхон Убайдуллаева. – Шу топда бир воқеа ёдимга тушди. Зилзила бўлган йиллар эди. Бир танишимизнинг уйи тўла китоб, айниқса, диний-маърифий китобларни эҳтиётлаб сақларди. Зилзила оқибатида уйи қулаб, китоблар юзага чиқиб қолибди. Қўрқанидан сувга оқизиб юборган эди.

– Ўттиз йил мактабда ўқитувчилик қилдим, – дейди Тутзор маҳалласидан келган Мавлуда Асадуллаева. – Ватанимиз, халқимизнинг дунёга машҳур афсонавий қаҳрамонлари, буюк даҳолари, донишмандлари бор. Шукрким, мустақиллик шарофати билан уларни ёд этиш, қадрлаш имкониятига эга бўлдик. Ўз аждодлари хотирасига ҳурмат ва эъзозда бўлган

халқнинг келажаги буюк бўлади. Мен фарзандларим озод диёримизнинг равнақи йўлида, миллий қадриятларимизга садоқат руҳида ўсиб улғаяётганидан беҳад мамнунман.

– Истиқлол шарофати билан миллий қадриятларимиз тикланди, – деди Қибрай тумани маслаҳатчи аёллар кенгаши раиси Гулнора Жўрабекова. – Айниқса, азиз қадамжолар ва қабристонларни қайта тиклаш, ободонлаштириш кенг йўлга қўйилди. Ўтганлар руҳига таъзим бажо келтириш, тириклارни қадрига етиш маъносида «Хотира ва қадрлаш куни» байрамининг фарзандлар, ёшлар тарбиясида муҳим аҳамияти бор. Бугунги хайрли тадбир эса, эркин фуқаролик жамияти қуриш йўлидан бораётган мустақил Ўзбекистонда эътиқод эркинлиги том маънода ўз ифодасини топганлигидан далолатдир.

– Бу зиёратгоҳга келиб, табаррук зотлар Занги ота, Анбар отин ва бошқа ўтганлар хотирасини ёд этдик, – дейди тўрт ўғилнинг онаси, уй бекаси Маъфура Ниёзова. – Кўнглим ёришди. Шундай дориломон кунларда, тинчликда яшаётганимга, ўғилларимнинг соғ-саломат ўсиб, улғаяётганига шукр қилдим. Илоҳим, юртимизга кўз тегмасин, осмонимиз тинч, мусаффо бўлсин!

Сайёра РИХСИЕВА.

ТОШКЕНТ ва Чирчиқ шаҳарларида спортнинг ҳарбий-амалий ва олимпия турлари бўйича ҳарбийлар ўртасида учинчи "Умумармия ўйинлари" қизғин паллага кирди. Унда беллашаётган 14 жамоа вакиллари спортнинг ҳарбий учкураш, офицерлар учкураши, кураш, кўпкураш, енгил атлетика, тош кўтариш, волейбол ва қўл жанги тури бўйича куч синашмоқда.

ЯКУНИЙ ПАЛЛАГА КИРДИ

Марказий ҳарбий спорт клубида бўлиб ўтган қўл жанги мусобақаларида йигитлар олти вазн тоифасида майдонга чиқди. Унда шартнома асосида хизмат қилаётган оддий аскарлар Ш. Расулов, А. Шарипов, кичик сержант А. Каримов, лейтенант Н. Турдиев, капитанлар Ш. Норқобилов ва С. Петрянин олтин медалга сазовор бўлди.

Шунингдек, 800, 1500 ва 3000 метрга югуриш бўйича мусобақада оддий аскар А. Гарифулин, кичик сержант С. Саъдуллаев ва курсант О. Рамазоновга тенг келадиган топилмади.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги матбуот хизматидан маълум қилишларича, Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юрти жамоаси енгил атлетика бўйича беллашувларда умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллаган.

Мусобақалар бугун якунланиб, ғолиблар маълум бўлади.

Х. САЛИМОВ, ЎзА мухбири.

Тадбир

ЖИДДИЙ МАҚОЛА ЁЗИШ ОСОНМИ?

ВИЛОЯТ адлия бошқармасида «Жамият аъзоларининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва аҳамияти» мавзуида семинар ўтказилди. Унда вилоятдаги ҳуқуқ тартибот идоралари ахборот хизмати вакиллари, ҳудудда чоп этилаётган даврий нашрларнинг бош муҳаррирлари, адлия тизими маҳаллий раҳбарлари ва мутахассислари ҳамда соҳа журналистлари иштирок этдилар.

Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларини тарғиб этиш ва кенг жамоатчиликка уларнинг туб моҳиятини тушунтириш, ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича амалга оширилаётган тадбирларни оммавий ахборот воситаларида сифатли ёритилишини таъминлаш мақсадида ўтказилган ушбу тадбир мобайнида тизим вакилларининг даврий матбуот ходимлари билан ўзаро ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Семинар кун тартибига кўра, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ахборот хизмати катта маслаҳатчиси Тўрабек Тўраев, вилоят прокуратураси тарғибот бўлими бошлиғи Алишер Мустафоев, Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси вилоят бўлими раиси, «Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда» газеталари бош муҳаррири Убайдулла Абдушоҳидов, «Давр» информацион дастури шарҳловчиси Лобар Пўлатова, «Ҳуқуқ ва бурч» журнали бўлим бошлиғи Абдураҳмон Мустафоқулов маърузалари тингланди.

Мавзу юзасидан муҳокамада иштирок этган семинар қатнашчилари ҳуқуқий тарғибот ишларига маҳаллий матбуотда катта эътибор берилаётгани, айниқса, адлия тизими вакилларининг мақолалар билан чиқишга интилиши фаоллашганини таъкидларкан, бу борада камчиликлар ҳам йўқ эмаслигини эътироф этишди.

Жумладан, тақдим этилаётган материаллар мазмунан саёзлиги, аксар ҳолларда оммабоп эмас, аксинча, ҳуқуқшунослик атамалари ва хоссўзларига бой ҳолда ёзилиши, ҳаётий мисоллар ва чуқур таҳлил етишмаслиги, муаллифларни баъзан мақолалар сифати эмас, нашрларда ўз имзолари чиқиб туриши кўпроқ қизиқтираётгани танқид қилинди.

Кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш, адлия тизими ходимларининг ҳуқуқий тарғибот масалалари бўйича оммавий ахборот воситаларидан имкон қадар мукаммал фойдаланишига эришиш, бунинг учун таҳририятларга тақдим этилаётган материаллар сифатига алоҳида эътибор қаратиш юзасидан фикрлар билдирилди.

Семинар ниҳоясида бу йил адлия тизимида ҳуқуқий тарғибот бўйича «Энг яхши телелавҳа», «Энг яхши мақола», «Энг яхши радиоэшиттириш» ва «Энг яхши интернет материали» танлови уюштирилаётгани эълон қилинди. Тадбир иштирокчиларининг фикрича, рағбатнинг бу тури ҳам мавзу бўйича ёзувчи муаллифлар ижодига, шубҳасиз, ижобий таъсир кўрсатади.

Тўнғич БЕК.

СУРАТЛАРДА: мулоқот лаҳзалари.

Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ Ислом Каримовнинг 2006 йил 23 мартда қабул қилинган "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш юзасидан Тошкент вилоятида ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда.

ЯНГИ ШОХОБЧАЛАР ХИЗМАТДА

Жорий йилнинг ўтган уч ойи мобайнида кам таъминланган 568 оилага қорамол сотиб олиш учун кредит берилди. Қуйичирчиқ ва Чиноз туманларида янги зооветеринария пунктлари фойдаланишга топширилди. Омухта ем, шрот ва шелуха сотиш шохобчалари очилди.

Жойларда жорий этилаётган бундай шарт-шароит шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликлари учун қулайлик яратмоқда, вақт ва маблағ тежаш имконини бераётир.

ЎзА.

«ИСТИҚБОЛ» ТАЖРИБА ОРТТИРАЯПТИ

БУНДАН икки йил аввал Ўзбекистон Халқ демократик партияси вилоят кенгаши ташаббуси билан «Истиқбол» ёшлар қаноти ташкил этилган эди. Бундан мақсад ёшларни партия дастурий йўналишларини бажаришга фаол жалб этиш, шу йўл билан уларда ижтимоий ва сиёсий фаолликни шакллантириш эди. Хўш, икки йил ичида қандай натижаларга эришилди?

Пойтахтда бўлиб ўтган вилоят кенгашининг «Истиқбол» ёшлар қаноти конференциясида аввало шу масалага эътибор қаратилди.

– 2008 йилнинг Ёшлар йили деб эълон қилиниши «Истиқбол» ёшлар қаноти фаолиятида ҳам янгича йўналиш ва имкониятларни ишга солиш, замон билан ҳамнафас фикр юритадиган ёшлар билан кенг кўламда ишлашни тақозо этаяпти, – деди кенгаш раиси Сирожиддин Аъзамов. – «Истиқбол» ёшлар қаноти келажагимиз вакилларида фаол фуқаролик қарашларни шакллантириш, ўз иқтидорларини намоён этишларига кўмаклашиш, шу билан бирга, ижтимоий ҳимояга муҳтож ёшлар ҳамда ёш оилаларни қўллаб-қувватлашга муносиб ҳисса қўшиш борасида ҳали етарли тажриба тўпланмаганлиги аён бўлмоқда.

Анжуманда «Истиқбол» фаоллари шу масалалардан келиб чиқадиган вазифаларни муҳокама этдилар. Бу жараёнда партиянинг ёш аъзолари, электорати вакиллари, хайрихоҳ ёшларнинг иштироки хусусида фикр алмашдилар.

Сўзга чиққанлар «Истиқбол» ёшлар қаноти фаоллигини ошириш, депутатлик гуруҳлари орқали йигит ва қизлар манфаатларини ифода этиш, улар дуч келаётган ижтимоий масалаларни ҳал этишда партия ваколатларидан фойдаланишга оид таклиф-мулоҳазаларини билдирдилар.

Йиғилишда «Истиқбол» ёшлар қаноти раиси Абдурашид Расулов вилоятнинг чекка ҳудудларидаги касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлашга кўмак бериш, ёшларнинг сиёсий онгини ошириш, ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлади.

Йиғилиш якунида «Истиқбол» ёшлар қанотининг республика конференциясига делегатлар сайланди.

Улуғбек ҲАМРОҚУЛОВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

ЁШЛАРНИНГ ЎРНИ БЕҚИЁС

«ЭКОСАН» халқаро ташкилоти ташаббуси билан «Ёшлар ва инновацион тараққиёт» мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

Тадбирда илмий тадқиқот институтлари ва олий ўқув юртларининг ёш олим, магистрант ва аспирантлари, вазирлик ва идоралар, йирик саноат корхоналари вакиллари иштирок этишди.

Учрашувда бугунги глобаллашув ва экологик таҳдидлар даврида мамлакатларнинг рақобатбардошлиги дунё иқтисодиёти ва сиёсатининг етакчи тамойилига айланиб бораётганлиги, бу жараёнда ҳар бир давлатнинг истиқболи бевосита ёшларнинг салоҳияти, юқори билим ва интилишларига боғлиқлиги таъкидланди. Бунинг учун эса инновацион тараққиётда ёшларнинг ролини ошириш муҳим аҳамият касб этаётганлиги ҳам айтиб ўтилди.

Шунингдек, учрашув иштирокчиларига мамлакатимиз олий ўқув юртларининг кафедраларида, илмий-тадқиқот институтларида ёш олимлар, аспирант ва магистрантлар томонидан экологик новациялар борасида олиб борилаётган бир қатор таклиф ва лойиҳалар тақдим этилди. Илмий тадқиқотлар йўналишлари муҳокама қилинди ва керакли тавсиялар билдирилди.

Тадбир якунида ёшларнинг қобилиятини ривожлантириш мақсадида «Экосан» халқаро ташкилоти томонидан ҳар бири 1 миллион сўмлик «Экосан» мукофотлари таъсис этилганлиги эълон қилинди. Ушбу мукофотлар 35 ёшгача бўлган олим ва мутахассисларга экология, био ва нано ҳамда информацион-коммуникацион технологиялар, иқлим ўзгариши, биологик хилма-хилликни сақлаш каби йўналишларда олиб борган энг яхши илмий тадқиқотлари учун ҳар йили топширилади. Шундай ўнта мукофот Ўзбекистон Республикаси «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан ҳам таъсис этилди.

Ҳуррият МЎМИНОВА.

СОҒЛОМ ТУРМУШ ОМИЛЛАРИ

«ЁШЛАР ЙИЛИ» Давлат дастурида ёшларда соғлом турмуш тарзига интилишни шакллантириш, болалар спортини оммавий ривожлантириш тизимини яратиш чора-тадбирларига бағишланган алоҳида бўлим мавжуд бўлиб, унда қатор вазифалар белгилаб қўйилган.

Бугунги кунда лицейимизда дастурга мувофиқ ёшлар орасида соғлом турмуш тарзига амал қилиш бўйича малакали йўл-йўриқлар берувчи «Саломатлик маслаҳат маркази» ташкил этилди. Ҳозир марказ ташаббуси билан республика Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли Саломатлик ва тиббий статистика институти ҳамкорлигида Ёшлар йили муносабати билан ўқувчилар орасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, тарғибот ва ташвиқот қилиш юзасидан аниқ вазифалар белгилаб олинди. Шу асосда, Саломатлик ва тиббий статистика институти ходимлари томонидан «Соғлом турмуш тарзи нима?», «Ўсмирлар гигиенаси», «Кун тартиби», «Жисмоний фаоллик», «Камқонлик ва унинг олдини олиш», «Йод етишмовчилиги», «Зарарли одатлар: тамаки чекиш, ичкиликбозлик, гиёҳвандлик ва уларнинг оқибатлари», «ОИВ/ОИТС ва унинг олдини олиш», «Жинсий тарбия» каби мавзуларда суҳбат, учрашувлар ҳамда тренинглар ўтказилмоқда. Ҳамкорларимиз ҳар бир машғулотни соғлом турмуш тарзини тарғиб этувчи плакатлар, рисолалар ва буклетлар билан таъминлайди.

Вилоят касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарлари иштирокида «Ёшлар йили» Давлат дастурининг мазмун-моҳиятини тушунтириш ва тарғиб қилиш мақсадида 8 соатлик семинар-тренинг ташкил этилди. Унда ҳам асосан ёшларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш масаласига жиддий эътибор қаратилди.

Бир сўз билан айтганда ёшларни ҳар томонлама баркамол шахс қилиб тарбиялашда нафақат таълим муассасалари, балки, бутун жамоатчилик масъулдир.

Раъно ТУРДИБОЕВА,
ТошДАУ қошидаги Қибрай академик лицей директори.

2008 йил – Ёшлар йили

Янгийўл шаҳридаги «Ўткир» хусусий фирмаси ўз даромадларининг бир қисмини ҳомийлик ишларига йўналтириб келади. Фирма раҳбари, тадбиркор Гулчеҳра Маҳмудованинг ижтимоий объектлар, хусусан, таълим муассасаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасидаги ҳимматидан шаҳарликлар бениҳоя мамнунлар.

ТАЪЛИМГА РАҒБАТ – КЕЛАЖАККА ХИЗМАТ

Яқинда тадбиркор ташаббуси билан бир вақтнинг ўзида шаҳардаги 4 та умумтаълим мактабида ўзига хос хайрия тадбири ташкил этилди. Ёшлар йилида келажагимиз эгаларини муносиб таълим-тарбия олишларини рағбатлантириш, айниқса, кам таъминланган оилалар фарзандларини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга қаратилди.

Тадбирнинг дебочаси шаҳардаги 10-умумтаълим мактабида бошланди. Ҳозир бу даргоҳда 1800 дан зиёд ўқувчи таълим-тарбия олаётир. Мактаб ҳовлисида улар учун тўкин дастурхон ёзилди. Уларга таълим бераётган мураббийлар қатори, муассасада узоқ йиллар ишлаган фахрий педагоглар ҳам таклиф этилди.

– Мен шу даргоҳда қарийб 50 йил ўқитувчилик қилдим, – дейди меҳнат фахрийси Маъруф Юсупов. – Лекин шунча йиллик фаолиятим давомида ўқувчилар учун бундай бегараз ғамхўрликни кўрмаганман. Саховатли тадбиркорлар таълим учун бу қадар эътибор беришаётганидан бошим осмонда.

Тадбир доирасида бир гуруҳ аълочи ўқувчилар муносиб рағбатлантирилди. Кам таъминланган оилаларга мансуб 90 нафар ўқувчига кийим-бошлар тортиқ этилди. Шу ерда ишлаб нафақага чиққан кекса мураббийлардан 20 нафарига пул мукофотлари топширилди.

Шунингдек, шаҳардаги 17-, 15-, 16-умумтаълим мактабларида ўтказилган хайрия тадбири ҳам худди шундай кўтаринки руҳда кечди.

СУРАТДА: ўқувчиларни рағбатлантириш пайти.

Даврон АҲМАД олган сурат.

МЕҲР-МУРУВВАТ ЧЕГАРА БИЛМАЙДИ

Айни кезларда республика Бош прокуратураси қошидаги олий ўқув курсларида прокуратура идоралари муассислигида чиқадиган нашрларнинг бир гуруҳ ходимлари малака оширмоқдалар. Шу жараёнда жойларда бўлиб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар аҳоли ўртасида қонунбузарликларнинг олдини олиш, фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ва ҳомийлик ёрдами кўрсатиш борасида амалга ошираётган ишлар билан ҳам танишмоқдалар. Жумладан, яқинда улар Бўкадаги 15-Меҳрибонлик уйида бўлдилар.

Бу – бежиз эмас. Мазкур даргоҳда тарбияланувчиларнинг жисмонан соғлом, маънан баркамол инсонлар бўлиб вояга етишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Чунончи, футбол, баскетбол, пляж волейболи, сузиш ҳавзаси, ювиниш ва ечиниш хоналаридан иборат спорт мажмуаси, ўзида жаҳон болалар адабиётининг сара асарларини жамлаган кутубхона ишлаб турибди. Дунё ва мамлакатимиз миқёсидаги спорт мусобақалари замонавий телеускуналар орқали мунтазам тўғридан-тўғри олиб кўрсатилмоқда.

Табиийки, бу каби хайрли ишларда ҳомийларнинг ҳам ҳиссалари катта бўлмоқда. Масалан, улардан бир гуруҳи банкда ҳар бир тарбияланувчи номига алоҳида омонат дафтарчаси очиб, 50 минг сўмдан 100 минг сўмгача пул ўтказишди. Шунингдек, ўғил-қизларни мавсумий кийим-кечаклар билан таъминлашни зиммаларига олишди. Вилоят прокуратураси кино ва фото тўгараклар очиш, турли байрам-тадбирларни мазмунли ўтказиш учун зарур рақамли видеокамера, фотоаппаратлар, замонавий мусиқа асбоблари олиб берди. «Сен ёлғиз эмассан» хайрия жамғармаси ва «Боинг» компанияси интернет тармоғига уланишга имконият туғдирувчи 13 та жамламадан иборат компьютер техникаларини ҳадя қилди. Туман прокуратураси эса Бош прокуратура ва «Сен ёлғиз эмассан» халқаро жамғармаси билан ҳамкорликда иш тутиб, болалигидан оғир хасталикка чалинган Светлана исмли қизалоқнинг 18 ой давомида хорижда даволаниши учун Германия ҳукумати томонидан 200 минг евро миқдорида маблағ ажратилишига бош-қош бўлди. Муассаса болалар ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоялашга доир қонунлар тўпламлари билан таъминланиб, уларнинг тарғиботига бағишланган суҳбатлар ўтказди. Айни кунларда 40 нафар битирувчи йигит-қизни қизиқишларига қараб, касб-ҳунар коллежларига жойлаштириш чоралари кўрилмоқда.

Журналистлар билан учрашувда бу ишлар мамнуният билан қайд этилди. Ўз навбатида, маҳаллий ҳокимлик ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш, «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг мақсад-моҳияти хусусида атрофлича фикр юритилди. Шунингдек, ўсмирлар орасида жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларни спортга жалб этиш юзасидан фойдали таклиф-мулоҳазалар ўртага ташланди.

Абдунаби ҲАЙДАРОВ.

ТЕЛЕМЕДИЦИНАНИНГ АҲАМИЯТИ

ТОШКЕНТ шаҳрида "Ўзбекистоннинг олис туманларида тиббий ташхис қўйишда телемедицинанинг аҳамияти" мавзусида семинар бўлиб ўтди.

Тадбирда Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги, тиббиёт илмий-текшириш институти раҳбарлари билан биргаликда, республиканинг барча вилоятларидан 60 дан ортиқ тиббиёт мутахассислари иштирок этишди.

БМТ қошидаги Тараққиёт дастури лойиҳаси асосида ўтказилаётган бу тадбирда шунингдек, қишлоқ шароитида меҳнат қилаётган шифокорларга барча соҳаларда кўмаклашиш, қийин хасталикларга аниқ ташхис қўйишда маслаҳат бериш, қолаверса, замонавий тиббиёт хизматида қишлоқ аҳлининг баҳраманд бўлишига шароит яратишга ҳам эътибор қаратилган.

"Туркистон-пресс".

МИЛЛИЙ ТАОМЛАР ФЕСТИВАЛИ

ТОШКЕНТДА Ёшлар йили муносабати билан анъанавий "VI Миллий таомлар фестивали" ўтказилди. Унда Республика Ташқи ишлар вазирлиги вакиллари, хорижий давлатларнинг мамлакатимиздаги элчихоналари ходимлари иштирок этди.

Ҳар бир миллатнинг қадриятлари, маданияти ўзига хос аҳамият касб этганидек, унинг пазандачилик санъати ҳам алоҳида эътиборга моликдир. Бу Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган дипломатик корпус вакиллари иштирокида ўтказилган анъанавий "VI Миллий таомлар фестивали" да ҳам яна бир бор намоён бўлди. Эътиборлиси, мазкур фестивалда йигирмадан ортиқ элчихона ошпазларининг бир юз элликка яқин хилма-хил таомлари намойиш этилди.

Тадбир сўнгида турли йўналишларда ғолиблар аниқланиб, уларга ташкилотчилар томонидан махсус диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Рустам ҲАЙДАРОВ,
"Туркистон-пресс".

"Республика Кўчмас мулк биржаси" ЁАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

I. Аукцион савдосига Тошкент вилояти, Зангиота туман суд ижрочилари бўлими томонидан қуйидагилар қўйилмоқда:

1. Тошкент вилояти хўжалик судининг 04.04.2008 йилдаги 11-0805/3622-сонли буйруғига асосан "Гидравлика" ОАЖга қарашли, Зангиота тумани, Ўртаовул қ.ф.й., А. Темур кўчаси, 102-уй манзилида жойлашган, майдони 2871,03 кв.м. бўлган "Асбоб-ускуналар цехи". **Бошланғич баҳоси – 452 603 029 сўм.** Аукцион савдоси 2008 йил 10 июнь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

II. Шунингдек, 2008 йил 27 май куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган такрорий аукцион савдосига, Зангиота тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Зангиота тумани "Ғунафша" ХХСК омборида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари такроран қўйилмоқда:

а) ФИБ Тошкент вилояти, Зангиота туманлараро судининг 06.01.2004 йилдаги 51-сонли ижро варақасига асосан хатланган "УАЗ-469" русумли, д/рсиз, и/ч йили номаълум бўлган автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси – 369 950 сўм;**

б) ЖИБ Тошкент вилояти, Зангиота туман судининг 28.07.2004 йилдаги 175/2004-сонли ижро варақасига асосан хатланган "ГАЗ-6605" русумли, д/р 10 U 4951 бўлган, 1978 йилда и/ч автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси – 436 532 сўм 16 тийин.**

III. Аукцион савдосига Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан Тошкент вилояти хўжалик судининг 14.05.2007 йилдаги 11-07-05/2182-сонли ижро варақасига асосан хатланган Олмалиқ шаҳар, Абдуллаева кўчасида жойлашган бинолар мажмуаси қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси – 60 660 769 сўм 60 тийин.**

Кўчмас мулк ва автотранспорт воситалари билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Ушбу савдода қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг АТ "Ипотекабанк"нинг С. Раҳимов ф-даги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: МФО 00901, ИНН 200933850, 20210000500571452105. **Манзил:** Тошкент ш., С. Раҳимов т., М. Ўразбоев кўч., 1-А уй. **Тел.:** 228-79-52.

www.rkmb.uz

...Тоғ ортидан бош кўтарган қуёш янги кунга пешвоз чиққан шаҳарнинг бағрини нурга тўлдирди. Сўнг субҳи-саҳардан яратувчанлик ишлари билан банд одамлардан яратувчанлик бўлгандай ёқаси чок булутлардан хижолат да тортди. Ёмғир томчиларидан борлиқ оҳорланиб, мевалари шиғил боғлар янада яшиланди. Таърифига тил ожиз табиатнинг бу мўъжизакор манзаралари юрт ободлиги, унинг буюк келажаги йўлида хайрли ният ва мақсадлар сари интилаётган чирчиқлик аёлларга руҳий тетиклик, қанот бағишлаётир. Бугунги ҳикоямиз ана шу опа-сингилларимиз ҳақида.

МАҲАЛЛА ФАРОВОН – ЮРТ ОБОД

ИБОЛИ ҚИЗ – ОИЛА КЎРКИ

Шаҳар марказидаги «Зобитлар уйи» маданият саройида ўтказилган тадбирдан бир қучоқ гуллар билан чиққан Нодирани дугоналари қуршаб олишди.

– Табриклаймиз, дугонажон, коллежимиз шарафини ҳимоя қилдинг, сен бизнинг фахримизсан.

– Бу сизларнинг ҳам ютуғингиз, – камтарлик билан деди Нодира. – Рости, залда сизларга кўзим тушиши биланоқ енгил тортиб, руҳим кўтарилди, қалбимда илҳом жўш урди.

– Шоира бўлиб кет-э, – кулишди қизлар.

«Ёшлар йили» Давлат дастури доирасида шаҳар хотин-қизлар қўмитаси, «Маънавият тарғибот» маркази, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар кенгаши ташаббуси билан бўлиб ўтган «Иболи қиз – оила кўрки» танловида саноат-иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Нодира Ражабова «Энг иболи қиз» номинацияси бўйича биринчи ўринни олди.

«Танишув», «Ҳуқуқшунослик», «Пазандалик», «Оила муаммолари» каби шартларни ўз ичига олган мазкур танлов иштирокчиларидан тиббиёт коллежи ўқувчиси Назокат Мирсолиҳова, маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежидан Азиза Тўлибоева, ижтимоий-иқтисодий ва маиший хизмат касб-ҳунар коллежидан Нозима Исоқова, қурилиш ва коммунал хўжалиги касб-ҳунар коллежидан Шаҳноза Мўминова, «Зобитлар уйи» маданият саройи услубчиси Наима Миршаеванинг чиқишлари ҳам ҳайъат аъзолари томонидан муносиб баҳоланди.

– Яқинда Тошкент Давлат аграр университети, соғлиқни сақлаш бошқармаси билан ҳамкорликда «Мактаб, оила, маҳалла» мавзусида ўтказилган семинарда оилаларни ўрганиш, болалар тарбиясига эътиборни кучайтириш масалалари илгари сурилди, – дейди шаҳар ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Шоҳида Ирисметова. – Унда профессор-ўқитувчилар ва мутахассисларнинг мавзу доирасидаги маърузалари тингланди. Табиийки, бундай тадбирлар мустақил ҳаёт остонасида турган ёшларнинг маънавий ҳамда сиёсий тушунчаларини бойитишга кўмаклашади.

МАҲАЛЛАДА ДУВ-ДУВ ГАП

– Эшитдингизми, Манзурахон, шаҳримизда «Энг обод маҳалла», «Энг обод кўча», «Энг обод хонадон» танлови ўтказилармиш.

– Адашмасам, Ўғилой, Мустақиллик байрами шарафига ҳар йили бўладиган танлов ҳақида айтаяпсиз.

– Албатта. Бундай тадбирлар юртимизга зап ярашадида. Яхшиси юринг, маҳалла қўмитасига бориб, танлов шартлари билан танишамиз.

Икки аёл «Маҳалла» жамғармаси шаҳар бўлимига келишганида жамғарма раиси Дилбар Пўлатова ўн чоғли аёллар билан қабулхона олдида гаплашиб турарди.

– Айни вақтида келдингиз, – раиса уларни очиқ чеҳра билан қарши олди. – Ёшлар йили муносабати билан танловга «Намунали ёш оила», «Ёш оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлайдиган намунали маҳалла» номинацияларини киритиш режалаштирилган. Ҳозир ҳаммамиз шу хусусда фикрлашамиз.

Давра столи атрофида ўтган мулоқотда маҳалла қўмиталари раислари, диний-маърифий, маънавий ахлоқий-тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, касб-ҳунар коллежлари ҳамда мактабларнинг директорлари қатнашдилар.

– Шаҳримизда 44 та маҳалла қўмитаси фаолият юритмоқда, – дейди Дилбар Пўлатова. – Уларнинг ҳар бирида кенг жамоатчилик билан иш олиб бораётган маслаҳатчилар учун мукаммал шароитлар яратилган. Аъзолар ўртасида миллий ғоя тарғиботини такомиллаштириш, айниқса, ёшлар қалбига ватанга муҳаббат, садоқат, инсонпарварлик туйғуларини сингдириш каби давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан иборат долзарб вазифалар ҳар биримизнинг зиммамизга масъулият юклайди.

Йилнинг дастлабки чорагида аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож қатламини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир кўплаб тадбирлар ўтказилди. Биргина «Саховат» акцияси тадбири давомида 100 дан зиёд оилага товуқлар тарқатилди ва 3 миллион сўм миқдорида коммунал хизматлардан қарзлари қопланди.

Бўлиб ўтган байрамлар арафасида ногиронларга, «Саховат уйи»да яшаётган ёлғиз қарияларга, фахрийларга, қалок бўлган ҳарбий хизматчилар оилаларига жами 2 миллион 500 минг сўмлик совға-саломлар берилди.

Дарҳақиқат, маҳаллаларда бугун иш ҳам, янгиликлар ҳам кўп. «Уста-шогирд» касб-ҳунар ўқув курсида кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари бепул ҳунар ўрганишмоқда. Боқувчисини йўқотган оилаларнинг болалари учун вилоятнинг диққатга сазовор жойларига саёҳатлар уюштирилаяпти. Шунингдек, меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларини келажакда тураржой билан таъминлашга оид тадбирлар белгиланган.

Бандликка қўмаклашувчи марказ билан ҳамкорликда 700 нафарга яқин аёл иш билан таъминланди. Касаначилик йўналишида ташкил этилган иш ўринлари ўтган уч ойда 172 тага етди.

ЁШ ОИЛАЛАР

– «Ёшлар йили» Давлат дастури доирасида бажариладиган тадбирлар учун 2 миллиард 510 миллион сўм маблағ ажратилган, – дейди шаҳар ҳокимлигининг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалалари бўйича бош мутахассиси Дилором Қосимова. – Шундан 1 миллиард 968 миллион сўми ҳомийлар ҳисобидан.

Айни вақтда шаҳар марказида ёш оилалар учун 32 ва 60 хонадонли иккита тураржой биноси барпо этилмоқда. Турмуш шароитларини яхшилаш ва рўзғор жиҳозларини сотиб олишга 155 миллион 250 минг сўм миқдорида имтиёзли кредитлар берилди. «Меҳрибонлик уйи» эндиликда қуёш энергияси билан иситадиган ускуналар ёрдамида куз-қиш мавсумларини беталафот ўтказиш имкониятига эга бўлди. Бу ерда янги спорт майдончаси қурилиши ҳам режалаштирилган.

Бандликка қўмаклашувчи марказ билан ҳамкорликда бу йил 1000 дан зиёд ёшлар иш билан таъминланади. Ҳарбий хизматни ўтаб қайтган 98 нафар йигит, 8 нафар ногирон ушбу марказнинг иш режасига мувофиқ касаначилик ва корхоналардаги захира иш ўринларига жалб этилади. Ёшларнинг маданий ҳордиқ чиқаришларини таъминлаш мақсадида 10-кичик туман ҳудудида «Ёшлар хиёбони» бунёд этилади.

«БАХТ»ДА ШУНДАЙ МАСЛАҲАТЧИ БОР

– Дам олиш кунлари ҳам тинчимайсиз-а, – меҳмонларини кузатиб қайтаётган Нозима қўшниси Саидани кўриб тўхтади. – Қоронғи тушганда йўл бўлсин?

– Бир оила билан гаплашиб келмоқчийдим, – жавоб қилди Саида. – Эртага иш билан вақтим етмас.

– Хўп фидойисизда, одамлар ташвиши билан ҳаловат билмайсиз, – таъкидлади Нозима. – Сизга ҳавасим келади.

Шаҳардаги «Бахт» маҳалла қўмитасида диний-маърифий, маънавий ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи вазифасида ишлаб келаётган Саида Султонова оилаларнинг тинчлиги, юрт фаровонлиги йўлида тиним билмайдиганлардан.

– Ҳозирги кунда «Оила, мактаб, маҳалла» тамойилини амалга ошириш доирасида маҳалла қўмиталари, мактаб ва ота-оналар билан иш олиб бораяпмиз, – дейди С. Султонова. – Айниқса, тарбияси оғир болалар, нотинч оилалар ва жазони ўтаб қайтган аёллар билан алоҳида шуғулланаяпмиз. Бу йўналишда шаҳар маънавият тарғибот маркази раҳбари Рихси Бекбўтаева ҳам бизга катта ёрдам бераяпти. Чунки, бугунги кунда одамлар қалбида миллий тафаккур ва соғлом дунёқараш асосларини мустаҳкамлаш, уларнинг онгли яшашга, ўз фикрига эга бўлишига, турли маънавий тажовузларга қарши собит туришга қодир бўлган, иродали, фидойи ва ватанпарвар инсонлар қилиб тарбиялаш бевосита жамият тараққиётига, юрт келажагига мустаҳкам пойдевор яратади.

Мунаввара ИСОҚУЛОВА,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

СУРАТЛАРДА: шаҳар хотин-қизлар қўмитаси ва «Маҳалла» жамғармаси фаолиятидан лавҳалар.

Муаллиф олган суратлар.

ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА – ИНСОН МАНФААТЛАРИ

Мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат, эркин фуқаролик жамияти шакллантирилмоқда, унинг қонунчилик асослари изчил мустаҳкамланмоқда. Бу бир неча жараёнларни ўз ичига олади.

Амалдаги қонунларни такомиллаштириш, янгиларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, уларнинг бажарилишини, шу асосда фуқароларнинг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатлари ишончли ҳимояланишини таъминлаш бу борадаги саъй-ҳаракатларнинг энг муҳим йўналишидир. Зеро, қонун ижрочилигини мустаҳкамламай, давлат ва хўжалик идоралари, жамоат ташкилотларининг барча бўғинларида унинг қонда ва талабларига оғишмай риоя қилинишини таъминламай туриб, фуқаролик жамиятини, демократик давлатни мустаҳкамлаб, ривожлантириб бўлмайди. Бусиз эса, инсон манфаатларини таъминлаш, унинг бахт-саодатига эришиш мумкин эмас.

Хўш, энг йирик тармоқ касаба ташкилоти – агросаноат ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши «Меҳнат кодекси», «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги ва «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонунлар бажарилишини таъминлаш йўлида қандай иш олиб бормоқда? Хўжаликлар, қайта ишлаш корхоналари, ташкилот ва муассасаларда бу қонунлар, техника хавфсизлиги талаблари ва меҳнат муҳофазаси чора-тадбирлари бажарилиши устидан жамоат назорати қандай амалга оширилаётир? Қуйида шу соҳадаги саъй-ҳаракатлар, мавжуд муаммолар ҳақида ҳикоя қилинади.

ЕТАКЧИЛАРНИНГ ЯНГИ АВЛОДИ ЕТИШМОҚДА

ҚИШЛОҚ хўжалиги ва қайта ишлаш саноатида амалга оширилган ислоҳотлар агросаноат мажмуида чуқур таркибий ўзгаришларга олиб келди. Бугун тармоқда турли мулкчилик шаклидаги 16 минг 838 юридик шахс фаолият кўрсатаётир. Уларнинг кўпи деҳқон ва фермер хўжаликлари, маҳсулотларни қайта ишловчи акциядорлик жамиятлари, қўшма ва кичик корхоналардир.

– Тармоқ касаба ташкилотимиз 168 минг 875 аъзони бирлаштириб турибди, – дейди агросаноат ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши раиси вазифасини бажарувчи Малика Раҳматова. – Улар 460 га яқин бошланғич ташкилотга бирлашган. Касаба аъзоларининг 30 фоиздан ортиқроғи аёллар. Касаба органларимиз амалдаги қонунларда ўзларига берилган ваколатларидан фойдаланиб, турли мулкчилик кўринишидаги хўжалик, корхона, ташкилот ва муассасаларда ишловчиларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари, қонуний ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, иш шароитларини, дам олдириш ва соғломлаштиришни яхшилаш масалалари билан самарали шуғулланаётир.

Иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, тармоқда ишлаб чиқаришни турли мулкчилик шаклида таркибий қайта қуриш, қишлоқда янги мулкдорлар синфини шакллантириш ва меҳнат муносабатларида кечаётган янгиланиш жараёнларида касаба фаоллари тарбияланиб, ўз салоҳияти ва ташкилотчилик қобилиятини тобора ёрқин этмоқда. Ишлаб чиқариш ва меҳнат хусусиятларини, амалдаги қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар талабини пухта билиш ва уларга амал қилиш учун собитқадамлик, одамларнинг дардини, орзу-умидларини қалбдан ҳис этиб, уларни амалда қўллаб-қувватлаш касаба фаолларининг касбий фазилатига айланиб бораётир. Тошкент, Зангиота, Чиноз, Янгийўл туманлари касаба кенгашларининг раислари Раҳматилла Шерматов, Жаҳонгир Саидов, Абдукарим Носиров, Бахтиёр Холмирзаев, бошланғич касаба ташкилотларининг етакчилари Равшан Зокиров, Тоҳир Турғунов, Ҳамида Абдусатторова, Суюн Холиқов каби фаолларнинг ташкилотчилик борасидаги саъй-ҳаракатлари натижасида ҳозирги пайтда 13 минг 946 та хўжалик, корхона ва ташкилотда жамоа шартномалари амал қилаётир.

– Маълумки, бозор иқтисодиёти шарт-шароитлари мулкдорлар билан ёлланиб ишловчиларнинг меҳнат муносабатларини тубдан ўзгартириб юборди, – дейди Малика Раҳматова. – Касаба ташкилотлари ўз фаолиятларида буни ҳисобга олмасликлари мумкин эмас. Ишни давр билан ҳамқадам ташкил этиш натижасида касаба қўмиталарининг иш берувчилар билан тузган жамоа шартномаларига меҳнат муҳофазаси бўйича банд ва бўлимлар киритилди. Уларда қамраб олинган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши устидан таъсирчан жамоатчилик назорати ўрнатилди.

Шу муносабат билан айтиш мумкинки, ширкатлар тугатилиб, деҳқон-фермер хўжаликлари шаклланиб борган йилларда ҳам қишлоқ хўжалик ва қайта ишлаш корхоналарида меҳнатни муҳофазалашга эътибор сусайгани йўқ. Чунончи, 2006 йили жамоа шартномаларининг бу йўналишида 2768 та ташкилий-техник чора-тадбирлар режалаштирилган эди. Уларнинг 1822 таси амалга оширилишига мулкдорлар 223 миллион сўм сарфлашди. Ўтган йили эса, бу кўрсаткичлар тегишли равишда 1508 тани ва 234,1 миллион сўмни ташкил этди.

ИШДА «МАЙДА-ЧУЙДА» БЎЛМАЙДИ

ТЕХНИКА хавфсизлигини таъминлашда ҳамма нарса муҳим. Бу ишда, ҳатто, «майда-чуйда» камчилик ва нуқсонларга ҳам йўл қўйилиши мумкин эмас. Зеро, арзимасдек кўринган нуқсонлар қандай оқибатларга сабаб бўлишига доир кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Гоҳида муҳандис-техник ходимларнинг масъулиятсизлиги, ишловчиларга тегишли йўл-йўриқлар берилмаслиги, турли ишлаб чиқариш участкалари ўртасида меҳнатни ташкил этишдаги номувофиқликлар бахтсиз ҳодисаларни келтириб чиқармоқда. Тармоқ касаба уюшмаси вилоят ва туман кенгашлари, корхона ва хўжаликларнинг касаба қўмиталари ишлаб чиқаришда бундай ҳолатларнинг олдини олиш, ишловчиларга зарур ва хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш бўйича йўриқномалар ишлаб чиқилиши, ишчи-хизматчиларнинг шу йўриқномадан ўтиши юзасидан амалий иш олиб бормоқда. Шу мақсадда ташкил этилаётган ҳудудий ва минтақавий ўқув-амалий машғулотларга хўжалик раҳбарлари, ишлаб чиқариш ташкилотлари, мутахассислар ва ижрочилар ҳам жалб этилаётир.

Бироқ, таҳлиллар айрим корхона ва хўжаликларда бахтсиз ҳодисалар, касб касалликларининг олдини олиш билан жиддий ва асосли шуғулланилмаётганини кўрсатмоқда. Акс ҳолда ҳамон иш вақтида касалликларга чалиниш, оғир жароҳат ва ўлим билан тугаётган бахтсиз ҳодисалар барҳам топмаётганлигини қандай баҳолаш мумкин? Чунончи, тармоқ корхона ва хўжаликларида 2006 йили 6 та, 2007 йили 8 та бахтсиз ҳодиса содир бўлди. Қибрай туманидаги паррандачилик фабрикасида иш пайтида юз берган бахтсиз ходиса туфайли Оразали Мамбетов ҳалок бўлди. Оққўрғон туманидаги Охунбобоев ширкат хўжалигини тугатиш кези нурчи Ҳусниддин Қаландаров бевақт ҳаётдан кўз юмди.

Касаба фаоллари шуни ҳисобга олиб, текширув ва мониторинг назоратини кучайтирмоқдалар. Шундай ўрганишлар мобайнида, машина-трактор парклларида, кўз илғамайдиган, лекин оқибати ҳавфли бўлган бир қатор камчилик ва нуқсонлар аниқланмоқда. Яна ўша Қибрай МТПсини олайлик. Бу корхонада автомобилларнинг назорат-қаров чуқуридаги санитар ҳолат ҳамиша ҳам талаб даражасида бўлмасди. Тўкилган мой тозалаб олинмасди. Текширув чоғида металлга ишлов бериш дастгоҳлари участкасида зарур ҳимоя воситаси бўлмаган ёритгичлардан фойдалинмоқда эди. Кўрилган чора-тадбирлар натижасида бу ҳолатлар бартараф этилди.

Текширишлар чоғида Қуйичирчиқ, Зангиота, Оққўрғон, Паркент МТПларида ҳам шундай эътиборсизликлар юз бериб турганлиги аниқланди. Албатта, вилоят касаба кенгаши мутахассислари текширув ва мониторинг чоғида аниқланган камчиликлар ўз жойида, тезкор бартараф этилишига эътибор билан ёндошиб, корхона маъмуриятларига тегишли тақдимномалар киритмоқдалар.

ҚОНУН талаблари бажарилишини таъминлаш ҳамиша ҳам осон бўлавермайди. Баъзи амалдорлар инсон дардини тушуниш, қонун юзасидан иш кўриб, муаммони ҳал қилишга лоқайд қараши сабабли оддий масалани кўриб чиқиш ҳам йиллаб чўзилади.

КЎНГИЛ КЎНГИЛДАН СУВ ИЧАР

Вилоят касаба кенгаши юқори давлат ва жамоат идоралари орқали олган бир мурожаатнома ва уни кўриб чиқиш жараёни бунга яққол мисол бўла олади. «Бекобод пахта тозалаш заводи» акциядорлик жамияти ишчиси Саодат Турсунова ўз мурожаатномасида турмуш ўртоғи, 5-разрядли чилангар-созловчи Иброим Турсунов 2007 йил 21 февраль куни иш жойида бахтсиз ҳодиса туфайли ҳалок бўлгани, бошқарув раиси Комил Қоравулов қонун бўйича тўланадиган товон пули ва вояга етмаган икки нафар фарзандининг ҳар бирига ой-сайин тўлаб борилиши керак бўлган 21 минг 927 сўм нафақа пулини тўлашни тўрт ойдан буён пайсалга солаётгани ҳақида ёзганди.

Ҳолбуки, корхонада Турсуновлар хонадонининг тўрт аъзоси ишларди. Иброим Турсунов 30 йилча, Саодатнинг ўзи 14 йил шу корхонада меҳнат қилганди. Аризани текшириш натижалари ҳақидаги маълумотномада шундай хулосаларни ўқиймиз: «Аризачи Саодат Турсунова 2007 йил 9 май – Хотира ва қадрлаш куни арафасида масалани ҳал қилишни сўраб, корхона раҳбарига мурожаат қилган. Ўқув йили тугаши арафасида икки фарзанди учун пул зарур бўлиб яна бир бор ёрдам сўраган. Ҳар сафар Комил Қоравуловдан ҳақоратли сўзлар эшитган. Корхона томонидан бу оилага ҳеч қандай моддий ёки маънавий ёрдам кўрсатилмаган. Масалани ўрганиш чоғида корхона раҳбари атайлаб иштирок этмади. Бу эса, раҳбарлик ва инсонийлик тамойилларига зид бўлиб, Комил Қоравуловнинг оддий инсонлар тақдирига бефарқ муносабатда бўлиши ўзининг тегишли баҳосини олиши лозим деб ҳисоблаймиз». Бу ҳужжатни корхона бош ҳисобчиси Лола Остонқулова ҳам имзолагани ҳисобга олинса, раҳбарнинг ғайриқонуний хатти-ҳаракати жамоатчиликда қанчалик катта эътироз туғдиргани аён бўлади.

– Шу жараёнда «Бекобод пахта тозалаш заводи» акциядорлик жамияти тугатилди, – дейди агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси туман кенгашининг раиси Умарали Ҳакимов. – Вилоят «Пахтасаноат» бирлашмаси Турсуновлар оиласига тўловларни «Далварзин пахта тозалаш заводи» акциядорлик жамияти орқали тўлашга қарор қилди. Текшириш якунида арзчи вояга етмаган болалари учун тўрт ойлик нафақа пулини олди. Бирйўла тўланадиган 11 миллион 51 минг 394 сўм товон пули кейинги уч-тўрт ой давомида тўланди.

Биз «Далварзин пахта тозалаш заводи» акциядорлик жамиятида бўлиб, боқувчисини йўқотган оилага муносабат билан қизиқдик. Маълум бўлдики, Бекобод заводини тугатиш комиссияси тегишли ҳужжатларни Далварзин заводига ўз вақтида тақдим этмаган. Натижада оила балоғатга етмаган икки фарзанд учун боқувчисини йўқотганлик зарар тўловини 2007 йилнинг октябрь ойидан кейин ҳам ололмаган.

– Яна вилоят касаба кенгаши мутахассисларининг аралашишига тўғри келди, – деди суҳбат чоғида Саодат Турсунова. – Уларнинг ёрдами билан ҳужжатлар тикланиб, «Далварзин пахта тозалаш заводи» акциядорлик жамияти раҳбарлари барча қолдиқ тўловларни тўлашди. Бундан буён токи фарзандларим балоғат ёшига етгунларича тўловларда узилиш бўлмаслигига ишонтиришди.

Кўриниб турибдики, адолатни қарор топтириш ҳамиша ҳам енгил кечавермайди. Бунинг учун касаба фаоллари чуқур билимга эга бўлишлари, масалага ҳамиша қонунан ёндошишлари керак. Шуларни назарда тутиб, ўрта ва қуйи бўғин касаба фаоллари режа асосида ўқитлаётир. Касаба етакчиларининг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга қаратилган ўқув машғулотларини бевосита туманларда ташкил этиш анъанага айланиб бормоқда. Вилоят кенгашида эса, сайлаб қўйилган касаба фаоллари учун «Меҳнат муҳофазаси тўғрисида»ги Қонун талабларига риоя этилиши, касб касалликлари ва иш вақтида жароҳатланишларнинг олдини олиш, ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитларида меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялашнинг долзарб масалаларига бағишланган ўқув машғулотлари ўтказилди. Вилоят кенгаши бу борадаги ташкилотчилик ишларини кенгайтириб, амалдаги қонунлар сўзсиз бажарилишига қаратилган саъй-ҳаракатларни кучайтирмоқда.

ХАТ ОРТИДА – ТАҚДИРЛАР

Инсон манфаатларини кўзлаш, унинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоялаш фуқаролик жамиятининг асосини ташкил этади. Бунда етакчи ўрин тутувчи касаба уюшмаларининг сайлаб қўйилган кенгаш ва қўмиталар, маҳаллий бошқарув идоралари, хўжалик ташкилотлари раҳбарлари, айрим мулкдорларнинг лоқайдлиги, эътиборсизлиги, юзаки ёндошуви ёки ҳаракатсизлиги оқибатларини бартараф этишда тобора фаол қатнашяпти.

Бу жиҳатдан Тошкент шаҳрининг Юнусобод туманида яшовчи фуқаро Фатхулла Муҳамедов агросаноат ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгашига юборган хати диққатга сазовор. Шу сабабли уни тўла келтиришни лозим топдик:

«Тошкент туман ҳокимининг 2006 йилдаги қарорига асосан Турғун Мирзаев номли ширкат хўжалиги тугатилиб, фермер хўжаликларига айлантирилди. Шу орада менга пенсия тўлаш тўхтатиб қўйилди. Кўп ташкилот ва идораларга мурожаатларим фойда бермагач, ўзим кўп йиллар аъзо бўлиб келган касаба уюшмасининг вилоят кенгашига ариза ёздим. Минг раҳмат, вилоят кенгаши мутахассислари аралашиб, Юнусобод туман ижтимоий таъминот бўлими раҳбарлари билан биргаликда аризамни кўриб чиқишди. Қисқа муддатда мушкулим осон бўлди. Тўланмай қолган пенсия пулларимни тўлиқ ундириб беришди».

– Ширкат хўжалигини тугатиш комиссияси аъзоларининг озгина эътиборсизлиги бу муаммо келиб чиқишига сабаб бўлган экан, – деди тармоқ касаба кенгаши мутахассиси Мухтор Дадабоев ўша воқеа тафсилотларини эслаб. – Улар тегишли ҳужжатларни ижтимоий таъминот бўлимига вақтида тақдим этишни унутиб қўйишган. Шу боис пенсия тўлови тўхтаб қолган. Биз Тошкент ва Юнусобод туманларининг тегишли идоралари орқали Фатхулла аканинг ҳужжатларини топдик. Эндиликда пенсия тўловлари вақтида амалга оширилаяпти.

Вилоят кенгаши фуқароларнинг ариза ва шикоятлари, оғзаки мурожаатларини вақтида кўриб чиқиб, қонунлар ва жамоа шартномаларида кўзда тутилган асосларда ҳал этилишига эришмоқда. Кейинги икки йилда одамлар ва ташкилотлардан 17 та шундай мурожаатлар бўлди. Асосан меҳнат низолари, ишлаб чиқаришда етказилган зарар тўловини ундириш сингари масалаларга тааллуқли бундай шикоят ва аризалар пайсалга солмай, кўриб чиқилаётир.

Шу жараёнда бир қатор камчиликлар аниқланиб, бартараф қилинмоқда. Жумладан, Бўка туманидаги «Шодлик», «Ўрозали-Дилшод», «Берди-Бакир», «Камолот» каби фермер хўжаликларида меҳнат дафтарчаларини юритишдаги камчиликлар Чиноз, Тошкент, Оҳангарон, Янгийўл, Зангиота туманларида ишга қабул қилиш, меҳнат шартномаларини тузишдаги нуқсонлар бартараф этилди.

Касаба кенгаши «Чиноз пахта заводи» акциядорлик жамияти бошқаруви ва касаба қўмитасидан олган мурожаатнома ҳам диққатга сазовор. Улар пенсияга чиққан ишчи Наби Абдурасуловга касб касаллиги оқибатида етказилган зарарни қоплаш тартиби юзасидан тушунтириш беришни сўрашган эди. Мутахассислар ҳисоб-китоби бўйича, республика Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлаган қоидаларга биноан Набижон Абдурасуловга бирйўла тўланадиган нафақа ҳамда меҳнатга қобилиятини йўқотган фоизларда ойлик зарар тўловларини тўлаш лозимлиги ҳақида тегишли тушунтириш берилди.

● Бугунги кунда агросаноат ходимлари касаба ташкилотлари 168 минг 875 аъзони ўз сафига бирлаштирган. Улар 460 га яқин бошланғич ташкилотга уюшган. Аъзоларнинг 30 фоиздан кўпроғи аёллар.

● Қишлоқ хўжалиги ва қайта ишлаш саноатида турли мулкчилик шаклидаги 16 минг 830 юридик шахс фаолият юритмоқда. Уларнинг аксарияти деҳқон ва фермер хўжаликлари, маҳсулотларни қайта ишловчи акциядорлик жамиятлари, қўшма ва кичик корхоналардир.

● Ҳозирги пайтда вилоятдаги 13 минг 946 та хўжалик, корхона ва ташкилотда жамоа шартномалари амал қилмоқда.

● Ўтган йили жамоа шартномаларига мувофиқ меҳнатни муҳофазалашга қаратилган 1508 та ташкилий-техник чора-тадбирлар амалга оширилди. Бунинг учун мулкдорлар 234,1 миллион сўм сарфлашди.

● Кейинги йилларда қишлоқ туманларида янгидан барпо этилган 17 та МТПда меҳнат қилаётган 1500 дан зиёд механизатор ва бошқа мутахассисларни махсус кийим-бош, шахсий ҳимоя воситалари билан таъминлашга йилига 1,7-3 миллион сўм сарфланмоқда.

ҚАМРОВ КЕНГ, ВАЗИФАЛАР ДОЛЗАРБ

– Агросаноат кенг қамровли, мураккаб тармоқ, – дейди вилоят кенгаши мутахассиси Мухтор Дадабоев. – Унда хилма-хил техника ва технологиялардан фойдаланилиб, бири-биридан фарқланувчи технологик, агротехник ва зоотехник тадбирлар амалга оширилади. Шуни ҳисобга олиб, техника хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётир.

Аввало, касаба етакчиларини техника хавфсизлиги қоидалари, меҳнат муҳофазасига оид қонунчилик асослари билан таништириш мақсадида турли курслар, ўқув машғулотлари, учрашувлар ташкил этилмоқда. Иккинчидан, ҳар бир ишловчида ўзи бошқараётган техника ва механизмларни ишлатишда хавфсизлик чораларини кўриш кўникмаси шакллантирилаётир. Бунинг учун касб малакасини ошириш курслари, йўриқномалар билан таништириш мақсадида суҳбатлар, ишлаб чиқариш ўқувларидан фойдаланилмоқда. Учинчидан, техника хавфсизлиги қоидалари ва меҳнат муҳофазаси талаблари акс эттирилган махсус стендлар, бурчаклар ва хоналар ташкил этилиб, кўргазмали ташвиқот таъсирчанлиги оширилаётир.

Вилоят кенгаши мутахассислари ўтказаётган мониторинг бу муҳим ишдаги ибратли тажрибаларни оммалаштириб, мавжуд камчиликларни бартараф этишда муҳим омилга айланди.

Тармоқда ишловчилар махсус кийим-бош, шахсий ҳимоя воситалари билан таъминланаётир. Бу, айниқса, буғдой ўрими, пахта терими мавсумларида механизаторларни зарарли таъсирлардан сақлашга катта ёрдам бермоқда. Паркент, Чиноз, Пскент МТПларида бундай ишларга бир йилда 1,7-3 миллион сўм сарфланмоқда.

Кўпинча, бундай текширувларнинг натижалари раёсат, ҳатто, кенгаш муҳокамасига ҳам олиб чиқилмоқда. Машина-трактор парклари бирлашмасининг таркибий бўлинмаларида жамоа шартномаларининг бажарилиши, меҳнат муҳофазаси талабларига риоя қилинишининг аҳволи ва уни яхшилаш масалалари шу тариқа раёсатда муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбарининг қарор ва фармонлари асосида фермер хўжаликларини ривожлантириш ва уларга техник хизмат кўрсатишни кенгайтириш кейинги йилларда қишлоқ туманларида 17 та машина-трактор парки барпо этилишига олиб келди. Уларда бугун 1,5 мингдан зиёд механизатор ва бошқа мутахассис меҳнат қилаётир.

Техника хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазасини яхшилаш чора-тадбирлари бу корхоналарнинг жамоа шартномаларида асосий ўрин тутиши табиий. Касаба кенгашлари, бошланғич касаба ташкилотлари талабчанлик билан назорат ўрнатганлиги натижасида уларнинг 87-90 фоизи амалга ошишига эришилаётир. Бу ишларнинг самараси сифатида шуни таъкидлаш мумкинки, 2006 йили жамоа шартномаларига киритилган чора-тадбирларнинг бажарилиши учун МТП маъмуриятлари етарли маблағ сарфлашди. Бу ҳар бир ишловчи учун хавфсиз меҳнат шароитлари яратиш мақсадларига 286 минг 900 сўм маблағ сарфланди деган сўз.

Лекин раёсат мажлиси ўшанда жойлардаги аҳволни чуқур ва атрофлича таҳлил қилиб, бир қатор жиддий камчиликларни ҳам кўрсатиб берди. Чунончи, жамоа шартномалари мукаммал тузилгани ҳолда Зангиота, Чиноз, Бекобод, Ойбек, Янгийўл-Ҳалқобод ва Оҳангарон МТПларида уларнинг бажарилишига етарли эътибор қаратилмаганлиги алоҳида таъкидланди. Бу корхоналарнинг касаба қўмиталари жамоа шартномаларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш билан чекланиб қолганлари, уларни амалга оширишда ўзибўларчиликка йўл қўйганлари жиддий танқид қилинди.

Бундай эътиборсизлик гоҳи ҳолларда меҳнат шароити ёмонлашишига, техника хавфсизлиги қоидалари бузилишига, натижада касб касалликлари келиб чиқиши ёки иш вақтида бахтсиз ҳодисалар рўй беришига сабаб бўлаётир. Табиийки, бу ҳолат ишловчиларда эътироз туғдириб, касб касалликларига учраган фуқаролар ёрдам сўраб вилоят кенгашига шикоят ва аризалар билан мурожаат қилишга мажбур бўлмоқдалар. Жумладан, Абдумажид Халилов Қибрай туман МТПсида аккумуляторчи бўлиб ишлаган муддатда касб касаллигига чалиниб, иккинчи гуруҳ ногирони бўлиб қолган. Бироқ, корхона маъмурияти зарар тўловини вақтида тегишли коэффициентларни қўллаган ҳолда бажармаган. Вилоят кенгаши меҳнат ногиронининг мурожаатини кўриб чиқиб, масала аризачи фойдасига ҳал этилишига эришди.

ИШ ЖОЙИ СОЗ, МЕҲНАТ УНУМЛИ

ИШ ЖОЙЛАРИНИ шаҳодатлаш – озода, хавфсиз меҳнат шароити яратишнинг муҳим шарти. Касаба фаоллари техника хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазасига доир қонунчилик ҳужжатлари талабларига риоя қилинишига зарур меҳнат шароитлари яратилишига эришишни кўзлаб, корхона ва хўжаликларда иш жойларини шаҳодатлаш тадбирларини жадвал асосида изчил амалга оширмоқдалар.

Корхоналар бу мақсадлар учун керакли маблағ ажратаётир. Шу тариқа «Оҳангарондон» очиқ акциядорлик жамияти, Янгийўл «Ёғ-мой» корхонаси, пахта тозалаш заводларида иш жойлари вақтида шаҳодатланиб, зарур ташкилий-техник тадбирлар амалга оширилаётир.

Маълумки, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари соғлиқ учун зарарли иш жойларидан ҳоли эмас. Шу боис меъёрий ҳужжатлар, жамоа шартномаларида бундай шароитда меҳнат қилувчи ходимларни сут маҳсулотлари, якка тартибда фойдаланиладиган ҳимоя воситалари, махсус кийим-бош ва пойабзал билан таъминлаш кўзда тутилган. Бироқ кейинги йилларда баъзи корхона ва ташкилотларда, айтайлик, шундай шароитларда бериладиган сутни нақд пул билан қоплаш одати кучайиб бормоқда. Касаба фаоллари бунга чек қўйиш, ҳар куни белгиланган миқдорда сут берилишига эришиш ҳаракатида бўлишаяпти. Шундай талабчанлик натижасида Оҳангарон, Янгийўл, Чиноз ва бошқа туманларда корхоналар сутчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари билан шартнома тузишди. Иш жойларини шаҳодатлаш натижасида Келес жунни қайта ишлаш фабрикаси, Шредер номли мева-шарбат корпорацияси, Ўрмончилик илмий-тадқиқот институти, «Оҳангарондон», Чиноз ва Қорасув пахта тозалаш корхоналарида ҳам ишловчилар учун бир қатор қулайликлар яратилди.

Тармоқ касаба уюшмасининг бир қатор туман кенгашлари бу ишни узлуксиз давом эттираётир. Шу боис кўплаб корхона ва ташкилотларда меҳнат шароити, иш ўринларининг санитария-гигиена ҳолатлари яхшиланиб бормоқда.

– Лекин биз шу билан чекланиб қолаётганимиз йўқ, – дейди агросаноат ходимлари касаба уюшмаси Бўстонлиқ туман кенгаши раиси Саидали Саидкаримов. – Жамоа шартномаларининг бажарилиши, айниқса, техника хавфсизлигини таъминлаш ва меҳнат муҳофазасини кучайтиришга қаратилган тадбирлар тўла-тўкис амалга оширилиши доимо назорат қилиб борилаяпти. Йиллик ҳисобот йиғилишларида давр талабларидан келиб чиқиб, уларга муайян ўзгартириш ва қўшимчалар киритиляпти. Бу эса, ўз навбатида, меҳнат шароитлари яхшиланиб боришига хизмат қилмоқда.

Зангиота ва Чиноз туманларининг МТПларида ҳам бир йилдан ортиқ муддатга қабул қилинган жамоа шартномалари ҳар йили янги қўшимчалар билан тўлдириб борилаётир. Уларга оғишмай риоя қилиниши туфайли, вилоят МТП бирлашмаси таркибидаги туман машина-трактор парклари сўнгги икки йилда кўнгилсиз воқеа-ҳодисалар содир бўлмади.

Саҳифани касаба уюшмалари вилоят ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг бўлим мудири Эътиборхон РАҲМОНОВА ва «Тошкент ҳақиқати» мухбири Жўра САЪДУЛЛАЕВ тайёрлашди.

Якун ва таҳлил

ОЛДИНДА ЮТУҚЛАР КЎП ҲАЛИ

Вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармасининг 2008 йил биринчи чорақдаги фаолияти якунларига бир назар

Кўклам – байрамлар фасли. Бу даврда, айниқса, вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармасида иш қизигандан қизийди. Аввало, халқимизнинг энг азалий, энг севимли байрами – Наврўз тантаналарига ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўрилади. Зеро, бу бир кунлик байрам эмас. Миллий қадриятлар, турли расм-русум, урф-одатларга йўғрилган халқ сайллари жойларда қарийб бир ой давом этади.

Албатта, бевосита очиқ табиат қўйнида ўтадиган халқ ўйинларини таниқли санъаткорлару фольклор ансамбларининг чиқишлари ҳамда спортнинг оммавий турлари бўйича мусобақаларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Буларнинг ҳаммасини қизиқарли ва юксак савияда ташкил этиш биринчи галда вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси ходимлари зиммасидаги масъулиятли, шу билан бирга шарафли вазифадир.

Муболағасиз айтиш мумкинки, бошқарма жамоаси бу вазифани муваффақиятли адо этди. Хусусан, Оҳангарон туманининг Телов қишлоғида, аниқроғи, кўм-кўк либосга бурканган очиқ табиат қўйнида кун бўйи давом этган Наврўз сайли турли миллий расм-русумлар намойиши, халқ ўйинлари ва спорт мусобақаларига бой бўлди.

Орадан бир ҳафта ўтар-ўтмас, вилоятнинг Қумовулдаги маънавият тарғибот марказида Наврўзи оламнинг ўлкамизга ташрифи янада кенг ва файзли даврада тантанали нишонланди. Бу тадбирга вилоятнинг барча шаҳар ва туманлари фаоллари, тадбиркору фермерлар ҳамда жамоат ташкилотлари вакиллари таклиф этилиб, улар учун ёзилган байрам дастурхонига сумалак, ҳалим ва бошқа Наврўз нозне-ъматлари тортилди. Аския, куй ва қўшиқлар жозибали рақсларга уланди. Вилоят академик ва халқ бадиий жамоалари дерекцияси қошидаги «Тошкент зеболари» рақс ансамбли, энг сара бадиий хаваскорлик жамоалари, «Дорбозлар» гуруҳи, Ангреннинг «Шанс» шоу-балет студияси, «Чашма» фольклор-этнографик ансамбли, «Паркент гуллари» фольклор жамоаси, «Карвонсарой» қўғирчоқ театри вакилларининг чиқишлари даврага чинакам байрамона руҳ ва файз бахш этди. Бундай Наврўз сайллари вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида ҳам бир неча кун давом этди.

Маданият ва спорт ишлари бошқармасидан йилнинг биринчи чораги якунлари ҳақида олинган маълумотларга қараганда, бошқарма Ёшлар йили муносабати билан 2008 йил учун тузилган ва вилоят ҳокимлиги томонидан тасдиқланган махсус дастурда белгиланган тадбирларни ўз вақтида ва юксак савияда ўтказишга ҳаракат қилмоқда. Жумладан, Ватан ҳимоячилари кунига бағишлаб вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши, мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти ва Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг вилоят филиали билан ҳамкорликда «Биз – Ватаннинг мард ўғлонлари» шиори остида турли спорт тадбирлари ўтказилди. Унда 2500 дан зиёд ёшлар иштирок этди. 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан Юқоричирчиқ туманида «Камолот маликаси», Паркент туманида «Тўмарис қизлари», Ўртачирчиқ туманида «Спортчи аёллар эъзозда» шиори остида ўтказилган спорт мусобақалари юқори савияда ташкил этилганлиги боис юзлаб хотин-қизлар фаол иштирок этди.

Февраль ойида Тошкент шаҳрида 1991-1993 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида юнон-рум кураши бўйича республика биринчилиги, Чирчиқ шаҳрида дзюдо ва оғир атлетика бўйича Ўзбекистон чемпионатлари бўлиб ўтди. Ушбу мусобақаларда вилоятимиз вакиллари жами 9 та биринчи, 4 та иккинчи ва 10 та учинчи ўринни қўлга киритишди. Голиб ва совриндорлар вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси ҳамда ҳомий ташкилотларнинг қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирланди.

19-18 март кунлари вилоят йўллари бўйлаб, республика Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг 2008 йилги мусобақалари тақвимидан ўрин олган вилоят ҳокими соврини учун кўп кунлик халқаро анъанавий велопойга ўтказилди. Мусобақада Россия Федерацияси, Қозоғистон Республикаси ҳамда мамлакатимиз вакилларидан иборат жами 280 дан зиёд велопойгачи иштирок этди. Шуниси қувонарлики, вилоятимиз терма жамоаси аъзоси М. Холмуродов юксак маҳорат намойиш этиб, халқаро мусобақа ғолиблигини қўлга киритди.

Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Вилоятимиз спорт мухлислари эса, янада қизиқарли мусобақалар ҳамда ажойиб ютуқларнинг гувоҳи бўлишлари шубҳасиз. Зеро, маданият ва спорт ишлари бошқармаси ўз фаолиятини йиллик дастур асосида изчил давом эттирмоқда.

Самад ЙЎЛДОШ.

Спорт ☺ Спорт

ЧИМЁНДА МАЙ АЛЬПИНИАДАСИ

ЎЗБЕКИСТОН экстримал ва тоғ туризми Федерацияси «Май Альпиниадаси – 2008» мусобақаларини ўтказиш учун Бўстонлиқ туманидаги Чимён тоғ ён-бағирларини танлади. Ушбу мусобақалар биринчи майдан то 15 майга қадар давом этиши белгиланган.

– Бу йил учинчи марта ўтказилаётган мазкур мусобақанинг мақсади альпинизмни оммавийлаштириш, спортчиларнинг техник ва амалий тайёргарлигини ошириш ҳамда маҳоратли спортчиларни мамлакат терма жамоаси таркибига киритишдан иборат, – деди Федерация бош котиби А. Кривов.

Ушбу мусобақаларда вилоятимиз вакиллари ҳам муваффақиятли иштирок этишмоқда. Улар орасида Чирчиқ шаҳридан 10-умумтаълим мактаби, 14-меҳрибонлик уйи ҳамда Бўстонлиқ туманидаги 6-интернат мактаби жамоалари бор.

Феруза ТЎРАЕВА.

СУРАТЛАРДА: мусобақадан лавҳалар.

Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.

Олов – тизгинсиз ёв

ДОИМО ЭЪТИБОРЛИ БЎЛАЙЛИК

ВЛАДИМИР олган жароҳати азобларига базўр дош бераркан, ўзини ўзи койиди: «Шунчалар бефарқ бўламанми, ҳушёрроқ бўлганимда ўзимга шунча савдо орттириб олмасдим». Лекин бу афсус-надомат билан ҳеч нимага эришиб бўлмаслигини тушуниб, баттар эзилди. Бир томондан кўз ўнгида ёниб, кул бўлган уй жиҳозларини ўйлаб сиқилса, иккинчи томондан куйган танаси азоб берарди. «Қизиқ-да, – дея ўйлади у, ҳеч муболағасиз олов тилсиз ёвга айланаркан».

Дарҳақиқат, сигарета қолдиғи Ўртачирчиқ тумани Янгиҳаёт шаҳарчасида яшовчи Владимир Мартиновнинг бошига не-не кулфатларни солмади. Буларнинг барчаси биргина эҳтиётсизлик, озгина эътиборсизликнинг оқибати эди.

Ҳа, оловдан фойдаланишнинг ҳам ўз қонун-қоидалари бор. Уларга тўғри амал қилинсагина, ҳаётимиз бехавотир, тинч-осуда кечади. Кундалик турмушимизда ўзи оддий, аммо аҳамияти катта бўлган йўл-йўриқлардан доимо огоҳ бўлмоғимиз зарур. Зеро, олов билан ҳамнафас ҳаётимиз биздан доим ҳушёр бўлишни талаб этади. Бунга қатъий амал қилинмаса, юқоридаги каби аянчли ҳолат юз бериши шубҳасиз.

Қолаверса, ҳар бир уй соҳиблари рўзғор юмушларини бажаришда электр асбобларининг фақат созларидан тўғри фойдаланишга одатланишлари лозим. Бунинг учун озгина қунт қилинса, кифоя. Уйингиз ҳам, кўнглингиз ҳам тинч бўлади. Асбоб-анжомлардан фойдаланиб бўлгандан сўнг электр тармоғидан узишни асло унутмаслик керак. Хонада газ ҳиди сезилса, чироқ, электр асбоблари ва бошқа учқун берувчи воситаларни ёқиш мумкин эмас. Электр асбобларининг ортиқча қизиб кетиши ҳам ёнғин содир бўлишига олиб келади. Ёғни доғ қилаётганда назоратсиз қолдириш ҳам аянчли ҳолларга олиб келиши мумкин. Ёқиб қўйилган электр иситгич асбобларини, электр дазмол ва плиталарни қаровсиз қолдириб бўлмайди. Уларни фақат ёнмайдиган материалдан бўлган мухсус тагликка қўйиш лозим. Ёқиқ телевизор ҳам назоратсиз қолмасин. Ностандарт электр иситгичлардан фойдаланмаганингиз маъқул. Ёниб турган газ плитаси устида кир қуритиш, бензинда кир ювиш ҳам кучли ёнғинга сабаб бўлиши мумкин.

Одатда тандирхона ва ошхона бинолари хавфсиз, очиқ жойда қурилади. Томларда тез аланга олувчи буюмлар, иккиламчи уйрўзғор жиҳозларини сақлаб бўлмайди. Табиий газни резина шланглар орқали улаш асло мумкин эмас. Айниқса, тунда газни ёниқ қолдириш ярамайди.

Шу ўринда яна бир мисол: Янгийўл шаҳар А. Икромов кўчасида яшовчи хонадон бекаси А. Ғозиева газ плитаси устидаги қозонда қиздираётган ёғни назоратсиз қолдиргани боис ёнғин чиқди. Оқибатда, ошхона жиҳозлари, шифт ҳамда томга жиддий шикаст етди.

Ёнғин хавфсизлиги қонун-қоидаларига тўла амал қилсак, ҳеч қачон хавф-хатарга йўлиқмаймиз. Доимо ҳушёр ва эътиборли бўлайлик.

Барно СОДИҚОВА, вилоят ёнғин хавфсизлиги бошқармаси нозири.

Бўстонлиқ туманида жойлашган "IMROX SERVIS" масъулияти чекланган жамияти (ИНН 300514879) **ТУГАТИЛАДИ.**

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида Бўстонлиқ тумани, Чинор қишлоғи, Хумсон кўчаси, 77-уйда қабул қилинади.

Утерянный аттестат О'R-В № 0095954 выданный 2001 году средней школой № 8, г. Чирчика на имя Пирожкова Александра Александровича, **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

ООО "GAZA" Мирзо-Улугбекского района г. Ташкента (ОКПО 16639862, ИНН 202342754) **ЛИКВИДИРУЕТСЯ.** Претензии принимаются в течение двух месяцев по телефону: 241-74-33.

O`ylab topilmagan hikoyalar

PIYODA

Bu kishi ko`pincha piyoda yurardi. Pensiyaga chiqqunga qadar katta-katta rahbarlik lavozimlarida ishladi. Uning hamon piyoda yurishini har ko`rganimda hayron qolardim. Nahotki shuncha yillar ishlab, bironta mashina orttirmagan bo`lsa? Farzandlari-chi, nega ular o`z otalarining piyoda yurishiga befarq qarashadi?

Meni hayratga solgan yana bir holat bor: sobiq amaldorning ko`chada piyoda ketayotganini ko`rsalar-da, biror qo`ni-qo`shnisi, tanish-bilishi mashinasini to`xtatib, uni ola ketmasdi. "Tavba" derdim har safar. Yoki u rahbarlik kezlarida mahalladoshlarining ko`nglini qoldirganmikan? Unday desam, yaxshi sifatlari haqida ham ko`p eshitganim bor. Xullas, bu holatga sira tushunolmadim.

Kunlarning birida o`sha sobiq amaldor bilan ro`baro` kelib, hol-ahvol so`rashib qoldik. U katta yo`l tomondan piyoda kelardi.

– E, piyoda qolibsiz-ku, aka, – dedim unga hech narsa bilmagandek. – Shoshmang, hozir moshina to`xtatib beraman.

U o`ng qo`lini ko`tarib, "kerakmas" ishorasini qildi.

– Menga moshina kerak emas, uka. Qolaversa, meni ko`rgach, baribir hech kim to`xtamaydi.

"Odamlarga yomon ko`rinib qolgani rost ekan-da" degan fikr xayolimdan o`tdi. Indamay qolganimni ko`rib, u ham kulib qo`ydi:

– Siz bu yerlik emassiz, bu gaplardan xabaringiz yo`q, – dedi negadir quvnoq ohangda.

Men "sir boy bermayapti" deb o`yladim, u esa kutilmagan gap qildi:

– Otam ayni qirchillagan paytida, 55 yoshida vafot etgan. Men otadan erta yetim qolgan yolg`iz o`g`il edim, – dedi u og`ir tin olib.

"Nega bu gaplarni aytyapti?" degan o`y bilan unga tikilib qoldim. U davom etdi:

– Bolaligimda agar otamning yoshiga yetsam, undan keyin Xudo bergan har bir kunimni piyoda yurib o`tkazaman, deb niyat qilgandim. Mana, Ollohga shukr, o`sha kunlarga yetdim. O`zimni go`yo qayta dunyoga kelgandek his qilaman. Mazza qilib, piyoda yuraman. Buning sog`liqqa ham foydasi katta. Shunday emasmi, uka? – u quvnoq qiyofada edi.

– E, ko`p yashang! – dedim men ham quvnoq ohangda.

– Mayli, xayr uka, yaxshi kunlarda ko`rishaylik, – u mening qo`limni samimiyat bilan qisib qo`yib, dadil qadam tashlagancha keta boshladi. Ortidan havas bilan qarab qoldim. U endi menga butunlay boshqacha odam bo`lib ko`rindi.

Ma'murjon BOZORALIEV.

Буни ҳаёт дейдилар

АЧЧИҚ «МЕВА»



– Опажон, Нодиранинг ўғли яна қамалиб қолибди...

– Вой, нега, ўзи яқиндагина чиққан эди-ку?

– Бировнинг дўконидаги пулни ўғирлабди-да. Ёнида бир қиз ҳам бор экан. Онаси ўртага тушиб милицияга айтмай қўя қолинглар, пулни ўзим бераман, деган экан, кучи етмабди шекилли...

...Нодира жуда ёш улғайди. Ҳали мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ ўсмир йигитларга хат ёзишни ихтиёр қилганди. Ўшанда мактабни тугаллаш арафасида эди. Кутилмаганда маҳалладаги қўни-қўшнилар орасида шивир-шивир гаплар қулоққа чалинди.

– Саломат опанинг қизи Нодира уйида ишлаб юрган бир йигит билан қочиб кетибди. Бир ойдирки, еру кўкда йўқ эмиш.

Ота касалмандлиги сабабли томорқада ишлаш учун мардикор ёллаганди. Она уззу кун бозорда, қизи эса уйда. Саломат опа бир куни бозордан келса, қизи ҳам мардикор ҳам йўқ. Ўзига керакли кийимларини олиб, хат қолдирибди:

– Ойи, мени дадам «оқ» қилдилар. Бизни изламанг, кетаяпмиз.

Бечора онанинг бормаган, изламаган ери қолмади. Ойлар, йиллар ўтди. Бир кун кутилмаганда икки ўғилчасини етаклаб, қизи кириб келди. Она она-да, қизини кечирди. Ота эса уйга киритмади.

Нодира икки боласи билан бировнинг уйида ижарада яшади. Болаларни боғчага жойлаб, ишга кирди. Кутилмаганда ҳали уйланмаган бир йигит унга хуштор бўлди. Улар яширинча яшай бошлашди.

Одамлар ҳайрон бўлишди: «Ия, нима учун ҳали уйланмаган йигит икки болали аёлга илақишиб юрибди?». Яна биров: «Йигитнинг ҳеч кими йўқ. Ота-онасидан эрта етим қолган. Биттагина опаси бор, у ҳам беш боласини боқсинми, укасини уйлантирсинми? Бошида эркаги бўлмаса...»

Йиллар ўтди, икки ўғли тўртта бўлди. Нодира эрини менсимай қўйди. Ўзидан анча кичкина, укаси тенги эмиш, устига-устак ҳеч қаерда ишламас эмиш.

Бир куни Нодира қўшнисига ёрилди:

– Зулайҳо, мен сенга бир сирни айтмоқчиман. Эрим билан ҳалигача никоҳимиз йўқ. Лекин Рафиқ акам билан бошқа тумандаги масжидга бориб, никоҳдан ўтганмиз.

– Қайси Рафиқ?

– Савдо-сотиқ билан шуғулланади-ку.

– Ия, унинг ўз оиласи, фарзандлари бор-ку?

– Вой, ўртоқжон, биринчи хўжайиним билан ҳам никоҳсиз яшаганмиз.

– Э, ҳали бу фарзандларингнинг ҳаммаси никоҳсиз туғилганми? Ундай қилма, бу йўлдан қайт. Охири яхши бўлмайди.

– Йўқ, Рафиқ акамдан ҳеч қачон кечмайман. Чунки, уларнинг пуллари кўп. Қўлларини қаерга узатсалар етади.

Нодиранинг қаровсиз қолган ўғилларидан каттаси қўшни уйдан нарса олиб чиқиб сотиб, пулини қизларга сарфлайдиган одат чиқарди. Бир куни унинг қилмиши фош бўлди. Суд ҳукми билан унга икки йил жазо муддати тайинланди. Ўғлини қутқариш учун Нодира зир югурди, бўлмади. Пулдор деб ишонган Рафиқ акаси эса аллақачон ундан совуб, қорасини ҳам кўрсатмасди.

Берилган жазонинг эндигина бир йилини ўтаб бўлган ўғил амнистия туфайли озодликка чиққан эди. Лекин ўрганган кўнгил ўртанса қўймас деганларидек, у яна жиноятга қўл урди.

«Нима эксанг шуни ўрасан», деган гап жуда тўғри экан. Нодирага энди ўзи сепган уруғларнинг аччиқ мевасини тотишдан бўлак чора қолмаган эди...

Лутфиниса ОДИЛОВА.

Биласизми?

Бельгиядаги идоралардан бирининг ходими хўжайини атиги ўнгача санашни билиши ҳақида гап тарқатди. Бу гап қулоғига етган раҳбар уни судга берди. Суд ходимни хизмат сирини овоза қилганликда айблаб, уч ой қамоқ жазосига ҳукм қилди.

• • •

Инсон йигирма ёшга тўлганда бош мия батамом ўсиб бўлади.

• • •

Агар чап мия ярим шарининг фаолияти бузилса, инсон гапира олмайди, бошқаларнинг гапини ҳам тушунмайди.

• • •

Катта ёшдаги одамлар бош миясининг оғирлиги ўртача 1375 грамм, аёлларда 1275 грамм, чақалоқлар миясининг оғирлиги эса ўртача 300-320 грамм бўлади.

• • •

Катта ёшдаги одам бир дақиқада 16-18 марта нафас олади.

• • •

Инсон нафас олиш жараёнида ҳаво бурун бўшлиғидан ўтаётганда исийди, намланади, тозаланади ва бурун-ҳалқумга, ундан сўнг ҳалқумнинг оғиз ва ҳиқилдоқ қисмига тушади.

• • •

Инсон тинч туриб нафас олганда ҳар сафар ўпкасига 500 миллиметрга яқин ҳаво киради. Жуда чуқур нафас оладиган бўлса, қўшимча 1500 миллиметр ҳаво олиши мумкин.

Файзулла АБДУЛЛАЕВ тайёрлади.

Газетанинг навбатдаги сони 9 май куни чиқади.

Кулганга нима етсин

Афанди бир киши билан узоқ сафарга отланди. Улар биргаликда пул йиғиб, шаҳардан ўзларига бир коса қатиқ сотиб олишди. Ярим йўлни босишганидан сўнг тушлик қилишга ўтиришди.

Афандининг ҳамроҳи чўнтагидан шакар унини чиқариб, деди:

– Мен шакарни фақат ўзим томонга сепаман.

– Мен томонга сепиш мумкин эмасми? – сўрабди Афанди.

– Йўқ, мен фақат ўзим томонга сепаман.

– Сен қанақа одамсан ўзи? Бир хилда сепсангчи.

– Мумкин эмас, фақат ўз томонимга сепаман, – дебди ҳамроҳ.

Афандининг жаҳли чиқиб, чўнтагидан бир шиша зайтун ёғини олибдида:

– Мен эса ўз томонимга зайтун ёғидан қуяман, – дебди.

– Тўхта, Афанди, сен нима қиляпсан? – қўрқиб кетди унинг ҳамроҳи. – Қатиққа ёғ қўшиш мумкинми?

– Сенинг нима ишинг бор? – жавоб берибди Афанди. – Мен фақат ўз томонимга қуяман.

– Афанди, ёғ суюқ бўлади, мен томонга ҳам оқиб кетиши мумкин.

– Менинг нима ишим бор? – деди Афанди эътироз билдириб. – Ё сен ўзингга ҳам, менга ҳам шакарингдан сепасан, ё мен ўзим томонга зайтун ёғидан қуяман.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 236-55-54. Эълонлар: 236-55-03, 236-53-54.

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-440. Адади 8907. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 20.30. 1 2 3 4 6 7 8